



КОРРУПЦИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАБИАТИ ВА УНИ БАҲОЛАШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Турдикулов Шухрат -

Тошкент давлат шарқшунослик университети мустақил изланувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a20

Аннотация: Мақолада коррупциянинг иқтисодий табиати ва уни баҳолашнинг илмий-услубий асослари бўйича хорижий тажриба ўрганилган бўлиб, бу бўйича хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: коррупция, коррупцияни баҳолаш, индекс кўрсаткич, рейтинг кўрсаткич.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ПРИРОДЫ КОРРУПЦИИ И НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ЕЕ ОЦЕНКИ

Турдикулов Шухрат -

Ташкентский государственный университет востоковедения независимый искатель

Аннотация: В статье рассматривается зарубежный опыт экономической природы коррупции и научно-методических основ ее оценки, делаются выводы и рекомендации.

Ключевые слова: коррупция, оценка коррупции, индексный показатель, рейтинговый показатель.

FOREIGN EXPERIENCE IN THE ECONOMIC NATURE OF CORRUPTION AND THE SCIENTIFIC AND METHODOLOGICAL BASIS OF ITS ASSESSMENT

Turdikulov Shukhrat

Tashkent State University of Oriental Studies independent seeker

Annotation: The article examines foreign experience in the economic nature of corruption and the scientific and methodological basis of its assessment, and draws conclusions and recommendations.

Keywords: corruption, corruption assessment, index indicator, rating indicator.

Кириш. Жаҳон глобал муаммолари қаторида коррупция ва унинг иқтисодий тараққиётга салбий таъсирини камайтиришда мақсадли чора-тадбирлар турли даражаларда (умумжаҳон, минтақавий, мамлакат, ҳудуд, ишлаб чиқариш) ташкил қилиниб, унга қарши курашишнинг назарий-методологик ва услубий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодиёт тармоқларини самарали ривожлантириш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ва иқтисодий ўсишни таъминлашда бошқарув қарорлари муҳим аҳамият касб этади. Бошқарув қарорларини қабул қилиш биринчи навбатда инсон омилига боғлиқ бўлгани сабабли жаҳонда коррупция муаммоси глобал муаммолардан бири сифатида қаралмоқда.

Адабиётлар шарҳи. Transparency International[1] таърифига кўра, “коррупция – бошқарув органлари томонидан ишонч билдирилган субъект (субъектлар)нинг ўз шахсий манфаатлари йўлида ўз мансабини суистеъмол қилишидир”[2].

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги палласида коррупция муаммосининг кенг

тарқалиши ва кескинлашувининг сабаблари таркибида глобаллашув жараёнининг жадаллашувини таъкидлаб ўтиш керак. Маълумотларга кўра “2007 йилда дунё бўйича таъмағирлик ҳолатлари жаҳон ЯИМнинг 2 фоиздан кўпроқ қисмини ташкил этиб, уларнинг ҳажми триллион доллардан ошди”[3].

Коррупциянинг олдини олиш ва унинг иқтисодиётга салбий таъсирини баҳолашда масаланинг методологик-услубий йўналишлари муҳим аҳамият касб этиши билан бир қаторда, муаммоли масала ҳам ҳисобланади. Зеро, коррупция иқтисодий табиатига кўра мураккаб ва турли кўламли ижтимоий-иқтисодий салбий ҳодиса сифатида баҳоланади. Шунга кўра, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти коррупцияга “барча мамлакатларга тааллуқли, мураккаб ижтимоий, маданий ва иқтисодий ҳодиса”[4] сифатида қарайди.

Методологик-услубий жиҳатдан коррупция ҳолатини баҳолашдаги энг муаммоли жиҳат – коррупция ҳолатини очиқ тарзда баҳолаш имконининг чекланганлиги билан тавсифланади, зеро коррупция хуфёна, яширин тавсифга эга бўлиб, унга аниқ ва объектив баҳо бериш мушкулдир. Бу борада, жумладан коррупция

тўғрисида объектив маълумотларни олишнинг ўзига хос қийинчиликлари ҳамда глобал, минтақа, миллий иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш соҳаларида коррупциянинг аниқ даражасини ҳисобга олувчи ўлчов тизимлари мукамал ишлаб чиқлмаганини таъкидлаш зарур.

Амалий-услубий жиҳатдан коррупция ҳолатини баҳолаш бўйича турли ёндашув ва кўрсаткичлар тизими мавжуд бўлиб, уларда муаммонинг у ёки бу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, Роберт Клитгаард “ $K = M + \dot{Y} - \dot{J}$ ифодасидаги коррупция формуласини илгари сурган (K – коррупция, M – монопол ҳокимият, \dot{Y} – ўзбошимча қарорлар, \dot{J} – маъсулият, жавобгарлик). Бошқача қилиб айтганда, коррупция монопол ҳокимият даражаси ва ҳукумат мулозимлари ўртасида тақсимланган ўзбошимча қарорларни қабул қилиш ҳуқуқи, ўз хатти-ҳаракатларига жавобгарлик даражаси билан белгиланади”[5].

A.Rohwer таъкидлашича “коррупцияни баҳолашда қуйидаги кўрсаткич гуруҳларини фарқлаш мумкин: 1) қабул қилиш, ҳис этиш ва тажрибага асосланган кўрсаткичлар; 2) ягона манба маълумотлари ва ташкилий жиҳатларга асосланган кўрсаткичлар; 3) билвосита кўрсаткичлар. *Биринчи гуруҳ* кўрсаткичлари ўрганилаётган давлат фуқаролари ва экспертларни коррупцияни ҳис этишлари ва унга нисбатан фикрларига таянилади. Фуқаро ёки фирмаларни коррупция билан бўлган тажрибаси, яъни уларга пора таклиф қилинган ёки улар томонидан берганлигининг фарқи йўқ. *Иккинчи гуруҳ* кўрсаткичлари турли манбалардан олинган маълумотлар, нашриёт томонидан, ташкилий кўрсаткичлар сифатида бирлаштирилади ва синтезланади. *Учинчи гуруҳ* кўрсаткичлари имкон қадар кўпроқ фикрлар (ёки овозлар) ва коррупция тўғрисидаги хабарлар ёки аксинча ҳолатни, коррупция билан курашиш, самарали бошқарув ва жамиятни ҳисобдорлик механизмини бирлаштириб билвосита коррупцияни ўлчашга ҳаракат қилади”[6].

Жаҳон тажрибасида коррупция даражасини услубий жиҳатдан индекс ва рейтинг кўрсаткичлари орқали баҳолаш устувор даражада қаралмоқда. Чунки, одатда бундай усуллар нафақат иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга мутлақ тавсиф бериш, балки уларни кўплаб мамлакатлар бўйича ўзаро таққослаш ва муайян тартибда саралаш имконини ҳам беради. Таъкидлаш керакки, кейинги вақтларда маълумот тўплашнинг энг устувор усули сифатида ижтимоий сўровномалардан фойдаланган ҳолда корруп-

цияни ҳудудий, миллий ва глобал даражада ўлчашга ҳаракат қилинмоқда.

Жаҳон тажрибасида коррупцияни тарқалганлик даражасини аниқлаш ёки ўлчашда давлат муассасаларида фаолият олиб борадиган ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат фаолияти давомида коррупцияга дуч келадиган шахслар томонидан уни ҳис этишларига асосланади. Улар томонидан берилган баҳолар даврий равишда рўйхатга олинади ва турли усуллар билан статистик қайта ишланади.

“Мамлакат иқтисодиётига, иқтисодий субъектлар фаолиятига коррупция таъсирини аниқлашнинг эмпирик тадқиқотларида қуйидаги индекслардан фойдаланилади:

1) Transparency International томонидан амалга ошириладиган “коррупцияни ҳис этиш” индекси (“corruption perception” index (CPI)) ва таъмагирлик индекси (bribe payers’ index (BPI));

2) Жаҳон банки “Бошқарувнинг жаҳон кўрсаткичи” (Worldwide Governance Indicator (WGI)) лойиҳаси асосида ишлаб чиқилган “Коррупция билан курашиш” (“control of corruption” (CC)) кўрсаткичи;

3) рискни бошқариш (International Country Risk Guide (ICRG)) хусусий бизнес консалтинг компанияси томонидан нашр этиладиган коррупция индекси”[7].

Баҳолаш индексларининг турлилиги яна бир бор коррупциянинг кўп қиррали жараён эканлигини намоён этади. Мазкур кўрсаткичлар коррупциянинг маълум даражада бир-бирдан фарқланувчи, ўзига хос жиҳатларини (масалан, давлат секторида коррупциянинг тарқалганлиги даражаси) очиб бериш ҳамда баҳолашга йўналтирилган. Шунга кўра, амалда ушбу индекслар ўзининг аҳамият даражаси, улардан фойдаланиш миқёслари жиҳатидан ажралиб туради.

Илмий адабиётларда таъкидланишича, “коррупцияга қарши курашнинг услубий асосларини ишлаб чиқишда Transparency International томонидан ишлаб чиқилган CPI – коррупцияни ҳис қилиш индекси (1995 й.) муҳим аҳамият касб этади. Ушбу индекс бугунги кунда энг обрўли ҳисобланиб, уни тайёрлашда экспертлар гуруҳи (тадқиқ этилаётган мамлакат тадбиркорлари), ижтимоий сўров респондентлари, турли халқаро ташкилотлар вакиллик органлари иштирок этади. Бу борада, жумладан Transparency International томонидан юритиладиган CPI (Corruption Perception Index) ёки World Bank нинг WGI (Worldwide Governance Indicators) индекслари ҳисобланадиган формула[8] бўлиб, у қуйидаги кўринишда ифодаланади:

$$\text{Коррупция}_{it} = f(\text{Иқтисодий фаровонлик}_{it}, \text{Демократия}_{it}, \text{Суд тизими}_{it}, \text{Давлат тавсифи}_{it}, \text{Тарих}_{it}, \text{География}_{it}) \text{ [9]}$$

Халқаро кўламда коррупция даражасини аниқлаш жараёнида унинг таҳлил объекти сифатида алоҳида мамлакатлар олинади. Бунинг яққол мисоли сифатида Transparency International халқаро агентлиги томонидан ўлчанадиган коррупцияни ҳис этиш индексини келтиришимиз мумкин.

Коррупцияни ҳис этиш индекси динамикаси мамлакат ичидаги, коррупция даражасини ортиши билан боғлиқ объектив омилларга асосланиб, ушбу ёндашувни барча мамлакат ёки алоҳида ҳудудга нисбатан қўллаш мумкин.

Kaufmann ва бошқаларнинг таъкидлашича, “коррупцияни агрегатлашган ва муайян белги (белгилар) даражасида баҳолаш бўйича турли лойиҳалар амалга оширилган. Жаҳон Банки томонидан агрегатлашган даражада олти омилга асосланган Бошқарувнинг умумжаҳон кўрсаткичлари (Worldwide Governance Indicators) илгари сурилган”[10]: овоз ва ҳисобдорлик; сиёсий барқарорлик ва куч ишлатиш/тероризмнинг йўқлиги; ҳукумат ва самардорлик; тартибга солиш сифати; қонун устуворлиги; коррупцияга қарши курашиш”[11].

Айрим олим ва мутахассисларнинг ёндашувига кўра коррупциянинг жаҳон иқтисодиётига таъсирини баҳолашда фақат иқтисодий томонлари эътиборга олинади. Масалан, Ж.Вольфенсон (1995-2005 йилларда Жаҳон банки президенти) коррупция иқтисодиётнинг самарали ривожланишига ўта салбий таъсир кўрсатувчи омил эканлиги таъкидлаб, “коррупция, саратон ўсмаси каби, иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилади” деб таъкидлаган.

Муаммони баҳолаш услубиятига турли ёндашувлар мавжудлигига кўра, жумладан, куйидаги хулосаларни таъкидлаб ўтиш мумкин: турли мамлакатлар бўйича маълумотларга асосланган тадқиқот ва кузатувлар коррупция экспертизаси ва субъектив ёндашувларни, агрегатлашган баҳонинг ўзаро таҳлили (кесма таҳлил)ни ифодалайди; эмпирик баҳони олиш, субъектив маълумотлар ва коррупциянинг ҳақиқий даражаси ўртасида корреляциянинг мавжудлигига асосланади[12]; коррупция, Евростат томонидан тавсия қилинган жадвалли ёндашувига мос ҳолда, миллий ҳисоблар тизими (МХТ) бир компоненти доирасида назоратга олинмаган иқтисодиёт сифатида расмий ҳисоб-китобларда ифодаланади[13]; расмий доираларда ҳуфёна иқтисодиётнинг асосий кўрсаткичлари ҳисоби бўйича методологик қоидалар амал қилади[14]. Баъзи хулосаларга кўра коррупцияни баҳолаш бўйича ушбу ёндашувни ҳудудларда қўллашнинг имкони йўқ, чунки ҳудудларда коррупция аниқ тавсифга эга эмас ва назорат қилинмайдиган иқтисодиётнинг бошқа кўринишлари билан бирлашиб кетади”[15].

Kaufmann ва бошқалар “Коррупция муаммосига ташхис қўйиш ва натижаларини кузатиш учун уни ўлчаш, баҳолаш тизимини шакллантириш зарур, деб ҳисоблайдилар. Бу эса кўплаб ташкилотлар томонидан қайси шаклда коррупция билан курашиш, уни ўлчаш ва қисқартиришга имкон бериш борасидаги мунозараларга сабаб бўлади. Жумладан, коррупцияни ўлчаш мумкин эмас, деган фикрга нисбатан амалда уни ўлчашнинг учта йўли кўрсатиб ўтилади:

1) манфаатдор томонларнинг асосли фикрларини тўплаш йўли билан;

2) мамлакат институционал хусусиятларини кузатиш орқали;

3) аниқ бир лойиҳаларни аудит қилиш йўли билан.

Шунингдек, субъектив маълумотлар коррупция тўғрисида объектив аниқликни эмас, балки, ноаниқ ва умумий ҳолатни ифодалайди, деган фикрга нисбатан одатда коррупция бирон-бир қоғозда из қолдирмаслиги, коррупция тўғрисидаги тасаввурни шакллантиришда алоҳида шахсларнинг ҳаётий тажрибаси ягона ва энг яхши маълумот бўла олиши кўрсатилади”[16].

Rohwer “ҳақиқатан ҳам алоҳида кўрсаткичлар орқали коррупцион ҳолатларни ўлчай олиш мумкинлигини шубҳа остига олади. Чунки коррупциянинг жуда кўп шакллари мавжуд, бир кўрсаткич билан коррупцияни кўп қиррали жиҳатларини объектив ўлчашнинг имкони йўқ. Масалан, Жаҳон банкининг коррупцияни назорат қилиш кўрсаткичи давлат ва хусусий сектордаги коррупцияни ўлчайди. Transparency International коррупцияни ҳис этиш индекси фақат давлат секторидаги коррупцияни ўлчайди. Хулоса қилиш мумкинки, бирон-бир алоҳида кўрсаткич мураккаб ҳодиса ҳисобланган коррупцияни тўлиғича қамраб ололмайди. Бундан келиб чиқадикки, коррупцияни ўлчашда алоҳида индикатордан кўра, инструментлар комбинациясини қўллаш мақсадга мувофиқ бўларди”[17].

Таҳлил ва натижалар. Жамият аъзолари, иқтисодий субъектлар ўртасида қонун доирасидан четлашиб, шахсий манфаатларни кўзлаб амалга ошириладиган фаолиятлар коррупцион тавсифга эга бўлиб, улар ҳеч бир иқтисодий манбада, ҳисоб-китобларда ўз ифодасини топмайди. Барча коррупцион хатти-ҳаракатлар, келишувлар яширилганлиги сабабли ишончли, расмий статистик маълумотларни олишнинг имкони бўлмайди. Иқтисодиётда содир бўлаётган коррупцион келишувлар ва фаолият бўйича расмий маълумотларни одатда ҳуқуқий манбалар, ахборотлардан, шунингдек, жинойий жавобгарлик тўғрисидаги статистик маълумотлардан олиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, коррупция

даражаси расмий манбаларга нисбатан кўпроқ бўлиши эҳтимоллиги мавжуд.

Индексларни ҳисоблаш усуллари бир-бирларига жуда ҳам яқин, барчаси сўровлар, коррупцияга дуч келганлик, коррупцияга қарши жавобгарлик каби кўрсаткичлардан фойдаланади. Уларнинг субъектлари ўртасидаги боғлиқликка эътибор қаратар эканмиз, ушбу индекслар ўртасидаги корреляция кўрсаткичи юқори бўлиш табиий ҳолдир. Жумладан, “СС (2011) ва CPI (2012) кўрсаткичлари ўртасидаги корреляция коэффициенти 0,986 ташкил қилди”[18].

Шу билан бирга ушбу кўрсаткичларнинг аниқлиги ва асосланганлигига шубҳа билан қаровчи олимлар ҳам бор. Лекин, улар томонидан коррупцияни ҳисобга олиш бўйича бошқа аниқ бир усул ёки рақамлар тақдим этилмаганлиги, ушбу индекслар, кўрсаткичлар, амалда ўз жозибдорлигини сақлаб қолмоқда. Натижада, давлатлар, иқтисодий субъектлар ва оддий фуқаролар томонидан қарорлар қабул қилиш, коррупцияни иқтисодиётга таъсирини баҳолашда асосий мезон сифатида қаралмоқда.

Турли мамлакатлардаги коррупция даражаси ҳамда унинг иқтисодиётга таъсирини баҳолашда эмпирик тавсифдаги тадқиқотлар етакчи ўрин тутаяди. Илмий манбаларда коррупцияни назорат қилиш ва аҳоли жон бошига ЯИМ ўртасидаги боғлиқликнинг эконометрик таҳлили амалга оширилган. Унга мувофиқ “СС ва харид қилиш қобилияти (паритети) бўйича ЯИМ кўрсаткичлари ўртасидаги корреляция акс эттирилган. Улар ўртасидаги корреляция юқори, яъни корреляция коэффициенти 0,77 га тенг, СС бўйича мамлакатлар ўртасидаги аҳоли жон бошига бўлган ЯИМ фарқи 64 % яқин. СС кўрсаткичининг бир стандарт четланишга (2 пункт) яхшиланиши аҳоли жон бошига ЯИМни тахминан 11000 АҚШ долларига (2011 йил нархларида) ўсиши олиб келади”[18].

Корреляция натижаси юқори бўлганда самарадорлик ёки аҳоли жон бошига даромадлар даражаси коррупция даражасини аниқлай олиши билан боғлиқми, деган саволни юзага келтириши мумкин. Корреляцияни юқори чиқиши коррупция иқтисодий самарадорликка салбий таъсир қилишига ишончли далил сифатида қаралади. Бу ҳақиқатдан ҳам далиллар ичидаги доминант интерпретация, бироқ баъзи кузатувчилар сабаб-оқибат боғлиқлиги асосан қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиши мумкин. Масалан, Сингапур антикоррупцион сиёсатни ривожланиш даражаси паст бўлган даврда амалга оширди ва унинг самараси сифатида иқтисодий ўсиш ва ривожланиш жуда ҳам юқори кўрсаткичларни қайд этди.

Коррупция ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқликни аниқлашда кўплаб олимлар тадқи-

қот олиб борганлар. Жумладан, “Кампос ва унинг гуруҳи 2010 йилда коррупцияни иқтисодий ўсишга таъсири бўйича умумий ҳисобда 41 турли тадқиқотлар натижалари бўлган 460 та эмпирик баҳони тадқиқ этишди. Улар қуйидаги натижалар ҳақида маълумот берадилар: 32 %га яқин баҳолар коррупция иқтисодий ўсишга аҳамиятли таъсир этишини ифодалайди, 62 % улар ўртасида аҳамиятли бўлмаган статистик боғлиқлик бор деб ҳисоблайди, тахминан 6 % эса ижобий ва аҳамиятли боғлиқлик борлигини таъкидлайди”[18].

Мазкур тадқиқот асосида қуйидаги фарзлар илгари сурилган: мамлакатлар ўртасидаги макроиқтисодий кўрсаткичлар, коррупция ўсиш суръатини жонлантиради деган фикр асоссиз, савдонинг эркинлиги ва бошқарув институтларининг сифати, коррупцияни иқтисодий ўсишга таъсир этишида ҳал этувчи омил вазифаларни бажаради.

Коррупциянинг, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига, хусусан, унинг ЯИМ ўзгаришига таъсири бўйича тадқиқотларга кенгроқ эътибор қаратилади. Жумладан, бу борада кўплаб олимлар қаторида “Мамун Миах ва бошқа тадқиқотчилар ҳам илмий изланиш олиб боришмоқда. Улар ўз илмий изланишида коррупциянинг Ҳиндистон, Покистон ва Бангладеш мамлакатлари иқтисодиётига таъсирини тадқиқ этганлар. Тадқиқотлари давомида мазкур мамлакатлардаги CPI ва WGI кўрсаткичлари рақамларидан фойдаланиб, Хаусман тести асосида текшириб кўрганлар. Амалга оширган ҳисоб-китоблар орқали коррупциянинг бир бирликка ортиши ЯИМни 0,07 бирликка камайишига олиб келиши, коррупция ва ЯИМ ўртасида тескари боғлиқлик мавжудлигини асослаб берганлар”[19].

Эътиборли жиҳати шундаки, коррупциянинг иқтисодиётга таъсирининг муайян йўналишига оид илгари олиб борилган эмпирик тадқиқотлар нисбатан янги йўналишдаги навбатдаги тадқиқотлар учун маълумотлар базаси бўлиб хизмат қилади. Жумладан, “Угур ва Дасгупта 2011 йилда, 1002 тадқиқотларни кўриб чиққан ҳолда 105 тасини ўз таҳлилларига киритишган. Улар аввал, коррупция иқтисодий ўсишга таъсир қилишлари мумкин бўлган каналларга тааллуқли назарий-аналитик манбалар синтезини амалга ошириб, 596 баҳони ўзида мужасам қилган 53 та эмпирик тадқиқотнинг статистик маълумотларини умумлаштирганлар. Амалга оширилган ишлар натижасида турли мамлакатлар гуруҳи учун коррупцияни аҳоли жон бошига ЯИМни ўсишига умумий таъсири синтетик баҳолашини конструкциясини қуради”[18].

Хулоса ва тақлифлар. Юқоридаги хулосанинг давоми сифатида таъкидлаш мумкинки,

коррупциянинг таъсири мамлакатларнинг ўз даромади бўйича қай бир гуруҳга мансублиги жиҳатидан ҳам ажралиб туради. Тадқиқотлар кўрсатадики, “даромади даражаси паст ва юқори бўлган мамлакатлар хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда коррупцион ҳолатларни баҳолашга дифференциал тарзда ёндашувлар мавжуд. Унга кўра, коррупция иккала гуруҳда ҳам салбий таъсирга эга, даромади паст бўлган мамлакатларда коррупцияни ҳис этиш индексини ҳар бир пунктга кўтарилиши, аҳоли жон бошига ЯИМни ўсишини 0,59 фоиз пунктга пасайишига сабаб бўлади. Даромади юқори бўлган мамлакатлар гуруҳи учун коррупцияни ҳис этиш индексининг бир пунктга кўтарилиши, аҳоли жон

бошига ЯИМни ўсиши 0,91 фоиз пунктга пасайишига сабаб бўлади”[18].

Коррупцион ҳолатларни баҳолаш бўйича жаҳон тажрибасига кўра таъкидлаш мумкинки, коррупция умумий ҳолда иқтисодийга, иқтисодий ўсишга салбий таъсир этишини акс эттириб, шу билан бирга ЯИМ ўсиши билан тескари боғлиқликда амал қилади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, қайси даражада бўлишидан қатъий назар иқтисодий ўсишни таъминлаш учун доимий равишда коррупцияга қарши тадбирларни белгилаб бориш, амалга ошириш ва унинг салбий асосларини такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Transparency International — неправительственная международная организация по борьбе с коррупцией и исследованию уровня коррупции по всему миру. Основана в 1993 году экс-директором Мирового банка Петером Айгеном в Берлине. Имеет филиалы во многих странах.
2. «Frequently asked questions about corruption», http://www.transparency.org/news_room/faq/corruption_faq
3. «African corruption «on the wane», BBC News, 10.08.2007, <http://news.bbc.co.uk/1/hi/business/6288400.stm>
4. United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC), <http://www.unodc.org>
5. <https://mirec.mgimo.ru/2009/2009-01/korruptsiya-prichiny-vozniknoveniya-vliyaniya-i-metody-borby2>
6. Rohwer, Anja (2009): *Measuring Corruption: A Comparison between the Transparency International's Corruption Perceptions Index and the World Bank's Worldwide Governance Indicators*, CESifo DICE Report, ISSN 1613-6373, ifo Institut für Wirtschaftsforschung an der Universität München, München, Vol. 07, Iss. 3, pp. 42-52. <https://www.econstor.eu/handle/10419/166975>
7. *Issues Paper on Corruption and Economic Growth*. - <https://www.oecd.org/g20/topics/anti-corruption/Issue-Paper-Corruption-and-Economic-Growth.pdf>
8. Rajeev K. Goel and Michael A. Nelson, *Causes of corruption: History, geography and government*, BOFIT Discussion Papers, Helsinki, 2008
9. Мировое и национальное хозяйство. Издание МГИМО МИД России. ISSN: 2713-0983 №1(8), 2009. «Коррупция: причины возникновения, влияния и методы борьбы». - <https://mirec.mgimo.ru/2009/2009-01/korruptsiya-prichiny-vozniknoveniya-vliyaniya-i-metody-borby2>
10. <http://info.worldbank.org/governance/wgi/>
11. Daniel Kaufmann, Aart Kraay, and Massimo Mastruzzi. *Measuring Corruption: Myths and Realities*. The World Bank - <http://www1.worldbank.org/publicsector/anticorrupt/corecourse2007/Myths.pdf>
12. Lambsdorff J.G. *Causes and consequences of corruption: What do we know from a cross-section of countries?* // Susan Rose-Ackerman (Ed.) *International Handbook on the Economics of Corruption*. Edward Elgar Publishing Ltd, 2006.
13. См., например: Ширяева Я.Д. *Международный опыт оценки ненаблюдаемой экономики и незаконной деятельности*. // Вопросы статистики. 2009, №6.
14. Утверждены Постановлением Госкомстата России от 31 января 1998 года №7.
15. Смирнов Н.В. *Методы оценки коррупции и антикоррупционной политики в регионах России*. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Институт системного анализа РАН. М., 2010.
16. Daniel Kaufmann, Aart Kraay, and Massimo Mastruzzi. *Measuring Corruption: Myths and Realities*. The World Bank - <http://www1.worldbank.org/publicsector/anticorrupt/corecourse2007/Myths.pdf>
17. Rohwer, Anja (2009): *Measuring Corruption: A Comparison between the Transparency International's Corruption Perceptions Index and the World Bank's Worldwide Governance Indicators*, CESifo DICE Report, ISSN 1613-6373, ifo Institut für Wirtschaftsforschung an der Universität München, München, Vol. 07, Iss. 3, pp. 42-52. <https://www.econstor.eu/handle/10419/166975>
18. *Issues Paper on Corruption and Economic Growth*. - <https://www.oecd.org/g20/topics/anti-corruption/Issue-Paper-Corruption-and-Economic-Growth.pdf>
19. Md.Mamun Miah, Shapan Chandra Majumder. *The impact of corruption on the economic growth in Bangladesh, India and Pakistan: An ARDL approach* Article in *Independent Journal of Management & Production* · December 2021 - <https://www.researchgate.net/publication/348339078>



**O'ZBEKISTONDA IJTIMOYIY SUG'URTA MODELLARINI QO'LLASHDA
XORIYIY MAMLAKATLAR TAJRIBASI**

**Beknazarov Zafarjon Ergashevich -
Toshkent moliya instituti “Sug’urta
va pensiya ishi” kafedrasi dotsenti**

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a21

Annotatsiya. Maqolada xorijiy davlatlar va O'zbekistonning ijtimoiy sug'urta va ijtimoiy ta'minotni tashkil etishni tashkiliy-huquqiy asoslari ko'rib chiqilgan. Jahonga ijtimoiy sug'urtaning modellari va ularning xususiyatlari hamda xorij tajribasini mamlakatimizda qo'llash imkoniyatlari o'rganilgan. Pandemiya davrida aholini qay tarzda ijtimoiy sug'urta orqali himoyalash tizimlari o'rganilgan va tafkiflar ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar: Ijtimoiy sug'urta, ijtimoiy ta'minot, Kontinental model, Anglosakson modeli, Skandinaviya model, pensiya sug'urtasi, nogironlik nafaqasi, ishlab chiqarishda baxtsiz hodisalar, dafn marosimi uchun nafaqa, bola tug'ilganda beriladigan bir martalik nafaqa.